

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Магистратура талабасининг илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот
фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонлари**

2017-2018 ўқув йили

*2017 йил 23 декабрда ўтказилган
Самарқанд давлат университети
илмий Кенгашининг 6-сон
баённомаси билан тасдиқланган.*

Самарқанд - 2017

Мундарижа

| | |
|--|----|
| Кириш | 3 |
| 1. Магистратура талабасининг илмий-педагогик ишлари календар иш режасининг бажарилишининг мониторинги ва баҳолаш тартиби..... | 4 |
| 2. Илмий-педагогик ишлари режасининг бажарилишини баҳолаш мезонлари | 5 |
| 3. Магистратура талабасининг илмий-тадқиқот ишлари ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича календар иш режасининг бажарилишини баҳолаш тартиби | 6 |
| 4. Илмий-тадқиқот ишлари ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш режасининг бажарилишини баҳолаш мезонлари | 7 |
| 5. Магистрлик диссертациясини бажарилишини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолашнинг тартиб ва мезонлари..... | 16 |
| 5.1. Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиш ... | 16 |
| 5.2. Магистрлик диссертациясига ёзиладиган раҳбарнинг хулосаси ва тақризчининг тақризи | 17 |
| 5.3. Дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби | 18 |
| 5.4. Магистрлик диссертациясини баҳолаш | 19 |

КИРИШ

Мазкур баҳолаш мезонлари ва тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 36-сонли Қарори билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июлдаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом"га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сон буйруғи, 2009 йил 22 майдаги 160-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом талаблари асосида тайёрланган ва Самарқанд давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган ва амалиётга татбиқ этиш учун тавсия берилган "Магистратура талабасининг календар иш режаси" бўйича амалга оширилган ишларни баҳолаш тартиби ва мезонларини белгилайди.

1. Магистратура талабасининг илмий-педагогик ишлари календар иш режасининг бажарилишининг мониторинги ва баҳолаш тартиби

Семестр охирида якуний назоратлар сессияси бошланишига қадар магистратура талабаси ойлик ҳисоботлар асосида семестр бўйича режада кўрсатилган ҳар бир ишнинг бажарилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар папкасини (маъруза ва амалий машғулотларнинг матнлари, саволлар ва тестларнинг босма вариантлари, рефератлар, услубий кўрсатмалар, баённомалар, хулосалар, тақризлар, шу жумладан, режада қайд этилмаган ишлар бўйича ҳам маълумотлар) якуний илмий-педагогик иши бўйича ҳисобот билан бирга тайёрлайди ва кафедрага топширади. Якуний назоратлар сессияси давомида магистратура бўлими томонидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар бир кафедрада **магистратура бўлими бошлиғи, факультет деканати вакили, кафедра мудири, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчилардан** ташкил топган **ишчи гуруҳ** магистратура талабасининг якуний ҳисоботи бўйича кафедра қарори ва илмий раҳбарнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда **илмий-педагогик иш қайдномасига магистратура талабасининг баҳосини расмийлаштиради.**

Қониқарсиз баҳоланган магистратура талабаси иш режасининг тегишли бандларини қайтадан бажариб, белгиланган муддатларда тузатилган ҳисобот тақдим этади. Тузатилган ҳисобот юқоридаги ишчи гуруҳ томонидан қайтадан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ушбу баҳо иккинчи қайдномага расмийлаштирилади. Иккинчи қайдномада ҳам қониқарсиз баҳоланган магистратура талабасининг илмий-педагогик ишлари кафедра мудири томонидан тузилган махсус комиссия иштирокида кўриб чиқилади ва тегишли хулосалар берилади.

2. Илмий-педагогик ишлари режасининг бажарилишини баҳолаш мезонлари

(ҳар бир семестрнинг якуни бўйича баҳоланади)

| № | Илмий-педагогик иш режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар тадбирлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|------------------------|--|---|--|
| 1. | Режа бўйича белгиланган фанлардан маърузалар матни тайёрланган, амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқув материаллари (услубий ишланмалар, тақдимотлар, тарқатма материаллар, тестлар, саволлар ва бошқалар) тайёрланган, кафедрада олиб бориладиган фанларнинг бири бўйича янги педагогик ва ахборот технологиялари ўрганилган ва татбиқ этилган (реферат, тақдимот, ишланма тайёрланган). | Магистратура талабаси томонидан тузилган услубий ишланмалар, рефератлар тақдимотлар, тарқатма материаллар, тестлар, саволлар ва бошқалар ҳамда кафедра ва илмий раҳбар томонидан уларга олинган тақризлар, хулосалар, тавсиялар тақдим этилади. | Тақдим этилган ҳисобот, материаллар, кафедра ва илмий раҳбарнинг хулосалари асосида 30 баллгача баҳоланади. |
| 2. | Талабалар билимларини баҳолашнинг рейтинг тизими ўрганилган ва татбиқ этилган. Оралиқ ва якуний назоратлар саволларини, тестларни тузиш бўйича кўникма ҳосил қилинган, талабалар мустақил билим олишинининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини ўрганилган. Белгиланган фанлар бўйича талабалар учун мустақил ишлари ташкил қилинган, уларга маслаҳатлар берилган, мустақил ишлар қабул қилинган ва баҳоланган. | Тузилган оралиқ ва якуний назоратлар саволлари, мустақил ишларни ўтказиш жадвали ва магистратура талабаси томонидан қабул қилинган мустақил ишлар кафедра хулосаси билан тақдим этилади. | Тақдим этилган ҳисобот, материаллар, кафедра ва илмий раҳбарнинг хулосалари асосида 25 баллгача баҳоланади. |
| 3. | Факультет ва деканат фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ўрганилган, вазирлик, ректорат ва бошқа юқори ташкилотлардан келган қарорлар, буйруқлар, топшириқлар ва сўровларга жавоблар ва маълумотлар тайёрланган, ҳисоботлар тайёрлаш кўникмалари ҳосил қилинган. | Ўрганилган меъёрий ҳужжатлар руйхати ва аннотацияси тақдим этилади. | Тақдим этилган ҳисобот, материаллар, кафедра ва деканат хулосалари асосида 25 баллгача баҳоланади. |
| 4. | Гуруҳ мураббийси сифатида тарбиявий ишлар олиб бориш ўрганилган, ахборот соатлари, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар учун материаллар йиғилган, маърузалар тайёрланган ва тадбирлар ташкил қилинган. | Ўтказилган тадбирларнинг гуруҳ мураббийси томонидан тасдиқланган баённомалари ва материаллари тақдим этилади. | Тақдим этилган ҳисобот, материаллар, кафедра ва гуруҳ мураббийининг хулосалари асосида 20 баллгача баҳоланади. |
| Жами тўпланадиган балл | | | 100 балл |

3. Магистратура талабасининг илмий-тадқиқот ишлари ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича календар иш режасининг бажарилишини баҳолаш тартиби

Семестр охирида якуний назоратлар сессияси бошланишигача магистратура талабаси режада кўрсатилган ҳар бир ишнинг бажарилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар папкасини (фойдаланилаётган илмий адабиётлар рўйхати, интернет манзиллари руйхати, ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилади, диссертациянинг режалаштирилган бобининг босма варианты, баённомалар, хулосалар, тақризлар) якуний илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи билан бирга тайёрлайди ва кафедрага топширади. Якуний назоратлар сессияси давомида магистратура бўлими томонидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар бир кафедрада **магистратура бўлими бошлиғи, факультет деканати вакили, кафедра мудири, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчилардан** ташкил топган **ишчи гуруҳ** магистратура талабасининг якуний ҳисоботи бўйича кафедра қарори ва илмий раҳбарнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда **илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш қайдномасига магистратура талабасининг баҳосини расмийлаштиради.**

Қониқарсиз баҳоланган магистратура талабаси иш режасининг тегишли бандларини қайтадан бажариб, белгиланган муддатларда тузатилган ҳисобот тақдим этади. Бу ҳисобот ҳам юқоридаги ишчи гуруҳ томонидан қайтадан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Баҳо иккинчи қайдномага расмийлаштиради, иккинчи қайдномада ҳам қониқарсиз баҳоланган магистратура талабасининг илмий-тадқиқот ишлари кафедра мудири томонидан тузилган махсус комиссия иштирокида кўриб чиқилади ва тегишли хулосалар берилади.

4. Илмий-тадқиқот ишлари ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш режасининг бажарилишини баҳолаш мезонлари

1 курс 1 семестр

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|-----------|--|--|---|
| I | Илмий-тадқиқот ишлар ва магистрлик диссертацияси тайёрлаш режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар режаси тўлиқ бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати асосида 86-100 (аъло баҳо билан) балл билан баҳоланади |
| 1.1. | Диссертация мавзуси бўйича аннотация тузилган. Диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари ёзилган. | Мавзунинг аннотацияси келтирилади. Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари матни келтирилади. | |
| 1.2. | Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида уларнинг шарҳи тайёрланган. | Илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида диссертациянинг кириш қисми тақдим этилади. Ўрганилган адабиётлар шарҳи (обзор) келтирилади. | |
| 1.3. | Диссертациянинг 1 боби тайёрланган, илмий раҳбарнинг тақризи ва кафедра йиғилишининг хулосаси олинган. | Диссертациянинг 1 бобининг босма варианты, илмий раҳбар тақризи, кафедра йиғилишининг баённомасидан кўчирма кетирилади. | |
| 1.4. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маърузалар билан қатнашилган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| II | Режада қайд этилган ишларнинг асосий қисмлари бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 71-85 балл (яхши баҳо) билан баҳоланади |
| 2.1. | Диссертация мавзуси бўйича аннотацияси тўлиқ қилинмаган. Диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари қисман ишлаб чиқилган. | Мавзунинг аннотацияси келтирилади. Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари матни келтирилади. | |
| 2.2. | Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида уларнинг шарҳи қисман тайёрланган. | Илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида диссертациянинг кириш қисми тақдим этилади. | |
| 2.3. | Диссертациянинг 1 бобининг 75% фоизи бажарилган (илмий раҳбарнинг хулосасига асосан). Кафедра йиғилишининг қарори олинмаган. | 1 бобнинг тайёрланган қисмининг босма варианты келтирилади. | |
| 2.4. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маъруза қилинмаган, лекин маъруза тайёрланган. | Тайёрланган маъруза матни тақдим этилади. | |

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|------------|--|--|--|
| III | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 3.1. | Диссертация мавзуси бўйича аннотацияси тўлиқ қилинмаган. Диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари қисман ишлаб чиқилган ва аниқлаштиришни талаб этади. | Аннотациянинг мавжудлиги қараб чиқилади. Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари матни тақдим этилади. | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 55-70 балл (кониқарли баҳо) билан баҳоланади |
| 3.2. | Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида уларнинг шарҳи қисман тайёрланган. | Илмий адабиётлар ва интернет ресурслари асосида диссертациянинг кириш қисми тақдим этилади. | |
| 3.3. | Диссертациянинг 1 бобининг 55% фоизидан кўпи бажарилган (илмий раҳбарнинг хулосасига асосан). Кафедра йиғлишининг қарори олинмаган. | 1 бобнинг тайёрланган қисмининг босма варианты тақдим этилади. | |
| 3.4. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маъруза қилинмаган, маъруза тайёрланмаган, семинарларда иштирок этилган. | Семинар баённомаси тақдим этилади. | |
| IV | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилмаган ҳолатда, яъни | | |
| 4.1. | Диссертация мавзуси бўйича аннотацияси қилинмаган. Диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот усуллари ишлаб чиқилмаган. | Мавзунинг аннотацияси келтирилмаган. Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари матни тақдим этилмади. | 0-54 балл (кониқарсиз баҳо) билан баҳоланади. |
| 4.2. | Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар, интернет ресурслари руйхати тузилмаган | Руйхатлар келтирилмаган. | |
| 4.3. | Диссертациянинг 1 боби тайёрланмаган. | 1 бобнинг босма варианты тақдим этилмади. | |
| 4.4. | Кафедра семинарларида маъруза қилмаган. | Семинарда қатнашганлиги тўғрисида маълумот йўқ. | |

1 курс 2 семестр

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот тури | Баҳолаш мезонлари |
|-----------|---|---|---|
| I | Илмий-тадқиқот ишлар ва магистрлик диссертацияси тайёрлаш режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар режаси тўлиқ бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати асосида 86-100 (аъло баҳо билан) балл билан баҳоланади |
| 1.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | |
| 1.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар тўлиқ ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 1.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, республика ёки битта тезис халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 1.4. | Диссертациянинг 2 боби тайёрланган, илмий раҳбарнинг тақризи ва кафедра йиғлишининг хулосаси олинган. | Диссертациянинг 2 бобининг босма варианты, илмий раҳбар тақризи, кафедра йиғлишининг баённомасидан кўчирма келтирилади. | |
| 1.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 2 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| II | Режада қайд этилган ишларнинг асосий қисмлари бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 71-85 балл (яхши баҳо) билан баҳоланади |
| 2.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишларнинг асосий қисми белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | |
| 2.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар асосан ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 2.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 2.4. | Диссертациянинг 2 боби тайёрланган, лекин унга илмий раҳбарнинг тақризи ва кафедра йиғлишининг хулосаси олинмаган. | Диссертациянинг 2 бобининг босма варианты тақдим этилади. | |
| 2.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 1 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|------------|---|--|--|
| III | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 3.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар қисман белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 55-70 балл (қониқарли баҳо) билан баҳоланади |
| 3.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар қисман ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 3.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 3.4. | Диссертациянинг 2 бобининг 75% и тайёрланган (илмий раҳбар хулосасига асосан), лекин унга илмий раҳбарнинг тақризи, кафедра йиғлишининг хулосаси олинмаган. | Диссертациянинг 2 бобининг босма варианты тақдим этилади. | |
| 3.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 1 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| IV | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилмаган ҳолатда, яъни: | | |
| 4.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилмаган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинмаган. | 0-54 балл (қониқарсиз баҳо) билан баҳоланади. |
| 4.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар ўтказилмаган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни келтирилмади. | |
| 4.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилмаган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилмади. | |
| 4.4. | Диссертациянинг 2 боби тайёрланмаган. | Диссертациянинг 2 бобининг босма варианты тақдим этилмади. | |
| 4.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маърузалар билан қатнашилмаган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилмади. | |

2 курс 3 семестр

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот тури | Баҳолаш мезонлари |
|-----------|---|---|---|
| I | Илмий-тадқиқот ишлар ва магистрлик диссертацияси тайёрлаш режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар режаси тўлиқ бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати асосида 86-100 (аъло баҳо билан) балл билан баҳоланади |
| 1.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | |
| 1.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар тўлиқ ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 1.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 1.4. | Диссертациянинг 3 боби тайёрланган, илмий раҳбарнинг тақризи ва кафедра йиғлишининг хулосаси олинган. | Диссертациянинг 3 бобининг босма варианты, илмий раҳбар тақризи, кафедра йиғлишининг баённомасидан кўчирма келтирилади. | |
| 1.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 3 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| II | Режада қайд этилган ишларнинг асосий қисмлари бажарилган ҳолатда, яъни: | | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 71-85 балл (яхши баҳо) билан баҳоланади |
| 2.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишларнинг асосий қисми белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | |
| 2.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар асосан ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 2.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 2.4. | Диссертациянинг 3 боби тайёрланган, лекин унга илмий раҳбарнинг тақризи ва кафедра йиғлишининг хулосаси олинмаган. | Диссертациянинг 3 бобининг босма варианты тақдим этилади. | |
| 2.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 2 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|------------|---|--|--|
| III | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 3.1 | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар қисман белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 55-70 балл (қониқарли баҳо) билан баҳоланади |
| 3.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар қисман ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни тақдим этилади. | |
| 3.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 3.4. | Диссертациянинг 3 бобининг 75% и тайёрланган (илмий раҳбар хулосасига асосан), лекин унга илмий раҳбарнинг тақризи, кафедра йиғлишининг хулосаси олинмаган. | Диссертациянинг 3 бобининг босма варианты тақдим этилади. | |
| 3.5. | Кафедра семинарида диссертация мавзуси бўйича 1 та маъруза қилинган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| IV | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилмаган ҳолатда, яъни: | | |
| 4.1 | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилмаган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинмаган. | 0-54 балл (қониқарсиз баҳо) билан баҳоланади. |
| 4.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар ўтказилмаган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни келтирилмади. | |
| 4.3. | Диссертация мавзуси бўйича битта илмий мақола, битта тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилмаган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилмади. | |
| 4.4. | Диссертациянинг 3 боби тайёрланмаган. | Диссертациянинг 3 бобининг босма варианты тақдим этилмади. | |
| 4.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маърузалар билан қатнашилмаган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилмади. | |

2 курс 4 семестр

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|-----------|--|--|---|
| I | Илмий-тадқиқот ишлар ва магистрлик диссертацияси тайёрлаш режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар режаси тўлиқ бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 1.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | Бажарилган ишларнинг сифати асосида 86-100 (аъло баҳо билан) балл билан баҳоланади |
| 1.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар тўлиқ ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг матни келтирилади. | |
| 1.3. | Диссертация мавзуси бўйича иккита илмий мақола, иккита тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 1.4. | Диссертация тўлиқ тайёрланган, унга илмий раҳбарнинг тақризи, кафедра йиғлишининг хулосаси, тақризчиларнинг хулосалари олинган. Диссертациянинг натижалари бўйича илмий амалиёт ўтказилган. Диссертация мавзуси бўйича масалаларни ҳал қилишда мавжуд компьютер дастурларидан фойдаланилган. | Диссертациянинг босма варианты, илмий раҳбар ва тақризчилар тақризи, кафедра йиғлишининг баённомасидан кўчирма, илмий амалиёт ўтказилган ташкилотнинг хулосаси тақдим этилади. | |
| 1.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича камида 4 та маърузалар билан қатнашилган. | Семинар баённомасидан кўчирма тақдим этилади. | |
| II | Режада қайд этилган ишларнинг асосий қисмлари бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 2.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишларнинг асосий қисми белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 71-85 балл (яхши баҳо) билан баҳоланади |
| 2.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар асосан ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг руйхати тақдим этилади. | |
| 2.3. | Диссертация мавзуси бўйича иккита илмий мақола, иккита тезис республика ёки халқаро микёсдаги илмий конференцияда чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|------------|---|---|--|
| 2.4. | Диссертация тўлиқ тайёрланган, унга илмий раҳбарнинг тақризи олинган, тақризчиларнинг хулосалари ва кафедра йиғилишининг хулосаси олинмаган. Диссертациянинг натижалари бўйича илмий амалиёт ўтказилган. Диссертация мавзуси бўйича масалаларни ҳал қилишда мавжуд компьютер дастурларидан фойдаланилган. | Диссертациянинг босма варианты, илмий амалиёт ўтказилган ташкилотнинг хулосаси келтирилади. | |
| 2.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича камида 4 та маърузалар билан қатнашилган. | Семинар баённомасидан кўчирма келтирилади. | |
| III | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилган ҳолатда, яъни: | | |
| 3.1. | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар қисман белгиланган муддатларда бажарилган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинган. | Бажарилган ишларнинг сифати нуқтаи назаридан 55-70 балл (қониқарли баҳо) билан баҳоланади |
| 3.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқилган, экспериментал тадқиқотлар қисман ўтказилган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг руйхати келтирилади. | |
| 3.3. | Диссертация мавзуси бўйича иккита илмий мақола, республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда иккита тезис чоп этилган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилади. | |
| 3.4. | Диссертацияни расмийлаштириш охирига етказилмаган, асосий натижалар олинган, лекин унга илмий раҳбарнинг тақризи, кафедра йиғилишининг хулосаси олинмаган, илмий амалиёт қисман ўтказилган. | Диссертациянинг босма варианты тақдим этилади. | |
| 3.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича камида 3 та маърузалар билан қатнашилган. | Семинар баённомасидан кўчирма келтирилади. | |

| № | Илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича магистратура талабаси томонидан амалга оширилган ишлар номи | Ҳисобот шакли ва ижро назорати | Баҳолаш мезонлари |
|-----------|--|---|--|
| IV | Режада қайд этилган ишлар етарли даражада бажарилмаган ҳолатда, яъни: | | 0-54 балл (қониқарсиз баҳо) билан баҳоланади. |
| 4.1 | Диссертация мавзуси бўйича календар иш режасидаги ишлар белгиланган муддатларда бажарилмаган. | Режалаштирилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари олинмаган. | |
| 4.2. | Диссертация мавзуси бўйича вазифалар, масалалар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментар воситалари тадқиқ қилинмаган ва ишлаб чиқилмаган, экспериментал тадқиқотлар ўтказилмаган. | Ишлаб чиқилган алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, экспериментал тадқиқотлар натижаларининг руйхати келтирилмаган. | |
| 4.3. | Диссертация мавзуси бўйича иккита илмий мақола, республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда иккита тезис чоп этилмаган. | Чоп этилган мақоланинг ёки тезиснинг нусхалари тақдим этилмади. | |
| 4.4. | Диссертация тайёрланмаган. Илмий амалиёт ўтказилмаган. | Диссертациянинг босма варианты тақдим этилмади. | |
| 4.5. | Кафедра семинарларида диссертация мавзуси бўйича маърузалар билан қатнашилмаган. | Семинар баённомасидан кўчирма келтирилмаган. | |

5. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ БАЖАРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАРТИБ ВА МЕЗОНЛАРИ

5.1. Магистрлик диссертацияси бажарилишини назорат қилиш

Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиб бориш илмий раҳбар, кафедра мудири ва магистратура бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

Диссертациянинг илмий раҳбари магистратура талабасининг шахсий иш режаси ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан кейин шахсий режанинг ўз вақтида ва сифатли равишда бажарилиб боришини мунтазам назорат қилиб боради. Диссертация мавзусини ёритиш учун зарур бўлган илмий адабиётлар, интернет маълумотлари, конференциялар материаллари, улардан фойдаланишда эътибор қаратилиши зарур бўлган ўринлар бўйича мунтазам равишда магистратура талабасига маслаҳатлар бериб боради. Магистратура талабасининг диссертация бўйича олиб бораётган илмий изланишлари юзасидан тайёрлаган ҳисоботларини, мақолаларини, конференция материалларини кўриб чиқади. Зарур бўлганда уларни таҳрир қилади. Диссертациянинг босқичма-босқич сифатли ва талаб даражасида ҳамда белгиланган муддатларда ёзиб борилишини назорат қилади. Магистратура талабасининг диссертация юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертациянинг тайёр бўлган қисмларини кафедра мажлисларида муҳокама қилиб бориш учун тақдим этади.

Диссертация тайёр бўлганидан кейин унга хулоса тайёрлайди.

Хулосада:

- диссертация мавзусининг долзарблиги;
- мавзунинг мутахассислик билан боғлиқлиги;
- тадқиқот янгилигининг асосланиши;
- магистратура талабасининг илмий иш олиб боришга қобилияти;
- диссертацияда материалларнинг таҳлил қилиб, умумлаштирилиши ва улар юзасидан чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги;
- диссертациянинг магистрлик диссертацияси талабларига мос келиши каби фикрлар акс эттирилиши лозим.

Кафедра мудири магистратура талабасининг диссертация юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертациянинг тайёр бўлган бобларини (назарий ва экспериментал қисмларини, хулоса ва таклифларини)

кафедра мажлисларида муҳокама қилиб, уларнинг талаб даражасида тайёрланишини таъминлайди, магистратура талабаларига ва уларнинг илмий раҳбарларига тегишли кўрсатмалар беради.

Магистратура талабаларининг умумий фаолияти билан бирга, магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларини ҳар ярим йилда камида бир марта кафедра мажлисларида муҳокама этади.

Магистратура талабаларининг диссертация тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан кафедрага ҳар семестр якунида ҳисобот беради.

Магистратура бўлими бошлиғи илмий раҳбар, кафедра мудирини ва магистратура талабаси томонидан режалаштирилган ишларни Низом талаблари асосида бажарилишини назорат қилади, белгиланган вақтларда университет Илмий Кенгашида ҳисобот беради.

Магистратура талабаси илмий раҳбар иштирокида магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги ҳақида кафедранинг ойлик мажлисларида ҳисобот бериб боради, семестрлар якунида эса кафедрага ёзма ҳисобот тақдим этади.

Магистратура талабаси магистрлик диссертацияси мавзусини ва илмий раҳбарни асосланган ҳолда ўзгартириши бўйича таклиф киритиши мумкин.

5.2. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарнинг хулосаси ва тақризчининг тақризи

Магистрлик диссертациясига ёзиладиган хулосага қўйиладиган талаблар. Илмий раҳбар томонидан ёзилган диссертация тўғрисидаги хулосада ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий томонлари аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертациянинг тугалланганлиги кўрсатилади ҳамда баҳоланади.

Диссертация якунланганлиги тўғрисидаги илмий раҳбарнинг хулосаси илмий раҳбар томонидан имзоланади ва у ишлаётган ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризга қўйиладиган талаблар. Диссертация тўғрисидаги тақризчи томонидан ёзилган тақризда ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий, баҳсли-мунозарали томонлари холисона, аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертациянинг тугалланганлиги кўрсатилиб, ҳамда баҳолаб берилиши лозим.

Магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидаларининг бузилиши ҳолатлари (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон иқтибослар келтириш ва бошқалар) аниқланган тақдирда, уларни тақризда кўрсатиши лозим.

Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос келмаган ҳолатларда, магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон иқтибос келтириш ва бошқалар) бузилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

Диссертация тўғрисидаги тақриз тақризчи томонидан имзоланади ва у ишлаётган ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади.

5.3. Дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби

Магистратура талабасининг илмий-тадқиқотлар иш режасига биноан 3 семестрнинг якунида магистрлик диссертациясининг дастлабки варианти илмий раҳбарнинг имзоланган тақризи билан кафедрага тақдим қилинади. Кафедранинг умумий йиғилишда дастлабки муҳокамадан ўтган (март-апрель ойларида) ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан 2 кишидан иборат тақризчи тайинланади. Тақризчилар илмий даражали ёки илмий унвонли соҳа мутахассислари, илмий муассасининг ходимлари, бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари бўлиши мумкин. Диссертация иши тақризчиларга расмий ҳимоя муддатидан 1 ой олдин тақдим этилади. Диссертация ишига икки тақризчи томонидан қониқарсиз тақриз берилганда (яъни, ҳимояга тавсия этилмасин деб хулоса берилганда) диссертация иши ҳимоядан чиқарилади ва бу ҳақда кафедра мудири томонидан магистратура бўлимига тақдимнома киритилади.

Дастлабки муҳокамадан ўтган магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссияда ташкил этилади.

Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралардан, шунингдек бошқа ташкилотлардан мутахассислар тақлиф этилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи тайинланган ҳолда дастлабки ҳимояга қадар ундан магистрлик диссертациясига хулоса олиш ҳам талаб этилади.

Дастлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризларига, шунингдек диссертация мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга эга бўлиши керак. Магистратура талабаси ушбу талабларга амал қилиши, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда ишни бажариш бўйича шахсан жавобгардир.

Дастлабки ҳимоя якунлари кафедра йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади ва магистратура бўлимига тақдим этилади.

Магистратура бўлимининг бошлиғи диссертация ишини кафедра қарори, илмий раҳбар ва тақризчиларнинг тасдиқланган тақризлари билан расмий ҳимоя қилиш учун Давлат аттестация комиссиясига киритади.

Магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш куни университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси университетнинг Давлат якуний аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

5.4. Магистрлик диссертациясини баҳолаш

Давлат якуний аттестация комиссияси аъзолари диссертация ишини ўрнатилган тартибда кўриб чиқади ва овоз бериш йўли билан баҳолайди.

Овоз беришда университет ректори буйруғи билан тасдиқланган давлат аттестацияси аъзолигининг қатнашади. Овоз бериш натижалари тасдиқланган шакл асосида расмийлаштирилади.

Магистрлик диссертациясини баҳолашда магистрлик диссертацияси учун танланган мавзу долзарблигини асослаб берилганлиги; қўйилган масаланинг ечиш услубларини кўриб чиқиши ва улардан энг самаралисини аниқланганлиги; магистратура талабасининг илмий (ёки илмий-техник, илмий-ижодий) изланишлар олиб бориш даражаси, мавзуга хос муаммоларни танлай олганлиги ва уларни аниқ далиллар асосида таҳлил эта олганлиги; тадқиқотда олинган маълумотлар ва натижаларни тасвирлар (чизма, расм, тақдимот) шаклида мужассамлантира олганлиги; самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб берганлиги; илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва тақлифларни шакллантирганлиги ҳамда фан ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаганлиги ва бошқа масалалар эътиборга олинади.

Магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июлдаги 204-сон буйруғи билан

тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом"га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сон буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 36-сонли Қарори билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисида"ги Низомга асосан 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида илмий раҳбар, тақризчилар ва Давлат аттестация комиссияси аъзолари томонидан магистрлик диссертацияси қисмларини қуйидагича баҳолаш намуна сифатида тавсия этилади:

| № | Диссертация қисмлари ва талабанинг малакалари мезонлари | Ажратилган балл |
|-----------|---|--------------------|
| 1. | Магистрлик диссертациясини меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида расмийлаштирилиш ҳолати | 6 баллгача |
| 1.1. | Тақризчилар хулосасига асосан диссертация меъёрий ҳужжатлар ва Низом талабларига тўлиқ жавоб беради. | 5-6 балл |
| 1.2. | Тақризчилар хулосасига асосан диссертация меъёрий ҳужжатлар ва Низом талабларига асосан жавоб беради | 3-4 балл |
| 1.3. | Тақризчилар хулосасига асосан диссертация меъёрий ҳужжатлар ва Низом талабларига қисман жавоб беради | 1-2 балл |
| 2. | Магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши. | 15 баллгача |
| 2.1. | Тадқиқот мавзусининг долзарблигини асосланиши, ўрганилганлик даражасини ёритиб берилиши | 3 баллгача |
| 2.2. | Диссертациянинг мақсад ва вазифаларини ёритиб берилиши | 3 баллгача |
| 2.3. | Мавзу бўйича мавжуд тадқиқотларнинг илмий асосда қиёсий таҳлил этилганлиги | 3 баллгача |
| 2.4. | Диссертация мавзуси бўйича олинган натижаларнинг илмий янгилигини асослаб берилиши | 3 баллгача |
| 2.5. | Диссертация мавзуси бўйича олинган натижаларнинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб берилиши | 3 баллгача |

| | | |
|-----------|---|--------------------|
| 3. | Магистратура талабасининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви. | 45 баллгача |
| 3.1. | Тадқиқ этилаётган мавзуга доир муаммоларни ажратиб олиш ва уларни таснифлаш | 10 баллгача |
| 3.2. | Тадқиқ этилаётган мавзуга доир муаммоларга атрофлича характеристика бериш ва уларга доир тушунчаларни таҳлил қилиш | 10 баллгача |
| 3.3. | Олинган натижаларнинг таҳлили асосида аниқланган муаммоларнинг ечимлари топилганлиги | 10 баллгача |
| 3.4. | Диссертантнинг ишга ижодий ёндошганлиги, мустақил фикрлаши, мавзуга доир муаммолар ечимини топишда илмий ёндошганлиги | 15 баллгача |
| 3. | Фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек хорижий тиллардаги адабиётлар танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги. | 6 баллгача |
| 3.1. | Диссертантнинг мавзуга оид умумий адабиётлардан фойдаланганлиги | 1 балл |
| 3.2. | Интернетдан олинган маълумотлардан фойдаланганлиги | 2 балл |
| 3.3. | Янги монография, илмий мақолалар, хориждаги импакт-фактори юқори бўлган нашрлардан фойдаланганлиги | 3 балл |
| 4. | Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича нашр этилган илмий ишларига | 6 баллгача |
| 4.1. | Халқаро миқёсидаги журналлар, тўпламлар ёки илмий анжуманлар материалларида | 6 балл |
| 4.2. | Республика миқёсидаги журналлар, тўпламлар ёки илмий анжуманлар материалларида | 5 балл |
| 4.3. | Олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари миқёсидаги журналлар, тўпламлар ёки илмий анжуманлар материалларида | 3-4 балл |
| 5. | Тадқиқот усуллари амалиётда қўлланилганлигининг асосланганлиги | 5 баллгача |
| 6. | Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларнинг амалий аҳамияти | 5 баллгача |
| 7 | Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни | 4 баллгача |

| | | |
|-----------|---|-------------------|
| | ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилияти | |
| 8 | Магистратура талабасининг магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий қисмларидаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси | 3 баллгача |
| 9. | Диссертантнинг ҳимоя жараёнида маълумотларни аниқ, раво ва тушунарли тарзда етказиб бериши, берилган саволларга тўла ва тўғри жавоб бериши | 5 баллгача |
| | Жами тўпланадиган балл | 100 балл |

Ушбу “Магистратура талабасининг илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонлари” СамДУ магистратура бўлими бошлиғи Х.Х.Рўзимуратов томонидан ишлаб чиқилган.

